

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АКБАРАЛИ СУЛТОНМУРОДОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ СЕКЬЮРИТИЗАЦИЯЛАШ
АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Economical Sciences**

Ахмедов Акбарали Султонмуродович Тижорат банклари активларини секьюритизациялаш амалиётини ривожлантириш йўллари.....	3
Ахмедов Акбарали Султонмуродович Пути развития практики секьюритизации активов коммерческих банков.....	27
Akhmedov Akbarali Sultonmurodovich The ways of development bank asset securitization practice.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати.....	55
Список опубликованных работ List of published works	

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АКБАРАЛИ СУЛТОНМУРОДОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ СЕКЬЮРИТИЗАЦИЯЛАШ
АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
30.12.2019/В2019.4.PhD/Iqt154 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иминов Одилжон Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Носиров Эгамкул Исмоилович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“Асака” акциядорлик тижорат банки

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Яқин ўтмишда юз берган глобал молиявий инқироз халқаро молия бозорларида секьюритизациялашган воситаларга бўлган инвестицион талаб ҳажмининг кескин қисқаришига сабаб бўлди. Аммо, сўнгги йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва молия тизимининг инқирозли жараёнлар таъсиридан муваффақиятли ўтиши ўз навбатида, активларни секьюритизациялашни такомиллаштириш доирасида янги турдаги секьюритизациялаш воситалари эмиссиясининг йўлга қўйилиши мазкур амалиётни қайта фаоллашувига имконият яратди. Хусусан, «2018 йилнинг биринчи ярмида хорижий мамлакатлар томонидан секьюритизациялаш доирасида амалга оширилган жами бирламчи эмиссиялар ҳажми 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 11,2 фоизга ошгани ҳолда, 1 трлн. 50 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди»¹. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда секьюритизациялашган битимларда халқаро молия-кредит институтлари томонидан қўлланилаётган инновацион операция ва амалларнинг мамлакатлар молия тизимида тўлиқ жорий этилмаганлиги мазкур соҳани такомиллаштиришнинг халқаро даражадаги зарурати ва долзарблигини янада оширмоқда.

Бугунги кунда халқаро миқёсда тижорат банклари активларини секьюритизациялаш шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича – глобал секьюритизациялашган активлар бозори фаолияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш; ривожланган мамлакатларда активларни секьюритизациялашнинг замонавий дериватив турларини ўрганиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш; ипотека билан таъминланган активларни секьюритизациялашнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини келтириб чиқаришдаги таъсирини баҳолаш ва бу жараёнда инқирозга сабаб бўлган заиф жиҳатларни аниқлаш; активларни секьюритизациялаш амалиётини ривожлантиришни нафақат АҚШ, Буюк Британия, Франция, Голландия, Германия, Испания, Италия, Австрия, Япония ва Канада каби ривожланган мамлакатлар доирасида, балки молия бозорлари эндигина ривожланаётган мамлакатлар миқёсида ҳам тадқиқ этиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида «банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур»² эканлиги муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Ҳозирда тижорат банкларида активларни секьюритизациялаш амалиётидан фойдаланилмаслиги соҳага оид қатор, жумладан, мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги ва бу бозорнинг ҳозирда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функциясини бажара

¹ James M., Schopflocher T.. Global Securitization On Pace For \$1 Trillion In 2018. «Standard and Poor's Global Ratings» / GLOBAL STRUCTURED FINANCE RESEARCH. July 24, 2018.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz

олмаётганлиги; молия бозорида институционал инвесторлар фаолиятининг суст йўлга қўйилганлиги, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида уларнинг умуман иштирок этмаслиги; активларни секьюритизациялаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг деярли йўқлиги ва бу фаолиятни рағбатлантириш механизмнинг ишлаб чиқилмаганлиги; активларни секьюритизациялаш ҳисобига муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ички ва ташқи молия бозорларида жойлаштириш имкониятининг ўта пастлиги; молия бозори инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги, хусусан инвестицион воситачилар институтининг шаклланмаганлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Келтирилган бу каби муаммо ва камчиликлар активларни секьюритизациялашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва амалий жиҳатларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини кун тартибига қўяди, бу эса тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Тижорат банклари активларини секьюритизациялаш жараёнининг концептуал асослари, унинг функциялари, шакл ва тамойиллари Л.Шварц, Ҳ.Перис, Е.Хартвуд, Ж.Гилл, А.Андреас, Ж.Барт, Тонг Ли, С.Малаянди, Д.МакКартий, Л.Крапченко, Ж.Патти, Х.Бэр, П.Роуз, Ф.Фабощи каби хорижлик иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³.

³ Schwarcz L. The Alchemy of Asset Securitization: Stanford Journal of Law, Business & Finance (2004). P.136.; Peris H., Hartwood E. 2011 capital access index securitization in financing economic activities/Sangeetha Malaiyandi, Donald McCarthy, Triphon Phumiwasana and Glenn Yago. –New York: Milken Institute, 2011. –P. 65.; James Gill. Why Does Securitization Exist? – scientific article (on-line journal). p. 4.; Andreas (Andy) Jobst. What is structured finance? / Andreas Jobst // BIS Review. – 2011.- №20.-P.17.; James, R. Barth. Tong Li, Sangeetha Malaiyandi, Donald McCarthy: 2013 capital access index securitization in financing economic activities; Khrapchenko Lyudmilla (Alfa-Bank), Jimm Patti (Brown, Rowe&Maw LLP) “Alfa-Bank’s DRP Securitization”; Бэр Х.П. Секьюритизация активов: секьюритизация финансовых активов – инновационная техника финансирования банков / Пер. с нем. Ю.А.Алексеева., О.М.Иванова. М.: Волтере Клувер, 2009.; Роуз П. Банковский менеджмент – пер. с англ. – М.: Дело; 1997. – С. 709.; Фабощи Ф.Д. «Рынок облигаций: Анализ и стратегии» Фрэнк Дж.Фабощи; Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес.

Секьюритизациялашнинг тартиблаган битимларини эмпирик баҳолаш ва моделлаштириш бўйича тадқиқотлар МДХ иқтисодчи олимларидан Н.Александрова, В.Усоскин, А.Рачкевич, И.Алексеева, М.Суханов ва М.Тяжловларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган⁴.

Активларни секьюритизациялаш амалиётининг айрим жиҳатлари И.Бутиков, Н.Жумаев, Д.Ғозибеков, Н.Каримов, М.Ташходжаев, В.Котов, А.Ли, Х.Ақромов, Н.Хусанов, У.Халиқов, Л.Мурадова ва М.Мўминова каби ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган⁵.

Шу ўринда, бугунгача мамлакатимизда банк активларини секьюритизациялаш бўйича алоҳида мустақил тадқиқот иши бажарилмаганлигини таъкидлаш зарур. Юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан тижорат банклари активларини секьюритизациялашнинг айрим жиҳатларини тадқиқ этиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг фақатгина илмий-назарий доирада чегараланиб қолганлиги мазкур амалиётни эмпирик таҳлил қилиш асосида бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш имконини бермайди. Бу эса, секьюритизациялашган битимларнинг усуллари, услублари ва воситаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган ва амалий натижадорликда ўз ифодасини топган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2017-2021 йилларга мўлжалланган ФМ-5. «Ўзбекистонда банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

⁴ Александрова Н.В. Понятие и виды секьюритизации // Финансы и кредит. 2007. № 5.; Усоскин В. Современный коммерческий банк: управление и операции. М.: 2010. –С.292.; Рачкевич А.Ю., Алексеева И.А. Секьюритизация: характерные признаки и определение // Деньги и кредит. 2008. № 8.; Суханов М.С. Все что нужно знать о секьюритизации активов банками / Суханов М.С., Богданов А.Е. // Бухгалтерия и банки. 2012. - № 10. – С. 31-34.; Тяжлов М.Г. Практический опыт секьюритизации кредитов в РФ. – материалы Клуба банковских аналитиков. Секция Банковские инновации, 2012.

⁵ Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. – Ташкент: Консадитинформ, 2008.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2008. – 37 б.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Т., 2002. –41б.; Каримов Н.Ғ., Ташходжаев М.М. Prospects of development of securitization of banking assets in Uzbekistan. / Austrian Journal of Humanities and Social Sciences № 9–10. 2016. September–October. –р. 72.; Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007. – 23 с.; Ли А.А. Международный опыт развития муниципальных ценных бумаг и его применение в условиях Узбекистана: автореферат дисс... к.э.н. – Ташкент, 2002. – 20 с.; Ақромов Х.М. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига макроиқтисодий сиёсатнинг таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2010. – 22 б.; Хусанов Н.Ж. Развитие фондового рынка Республики Узбекистан на современном этапе // Материалы международной научно-практической конференции «Пятнадцатые международные Плехановские чтения». – М.: 2002. – С.116-118.; Халиқов У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш: PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2017. – 55 б.; Мурадова Л.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари активлари даромадлигини ошириш йўллари: PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. – 56 б.; Мўминова М.Б. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш: PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. 57 б.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари активларини секьюритизациялаш амалиётини жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тижорат банклари активларини секьюритизациялаш борасидаги назарий-концептуал жиҳатларни тадқиқ этиш асосида уларга нисбатан муаллифлик ёндашувини таклиф этиш;

тижорат банклари активларини секьюритизациялаш амалиётини кредит рискинни бошқариш механизми сифатида тадқиқ этиш;

мамлакатимиз тижорат банкларида активларни секьюритизациялашни жорий этиш имкониятларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида активлар секьюритизациясини жорий қилишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

тижорат банклари активларини секьюритизациялаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш асосида улардаги ўзига хос жиҳатларни аниқлаш;

Ўзбекистонда активларни секьюритизациялаш амалиётини жорий этишнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тижорат банкларининг активларини секьюритизациялаш фаолияти танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари активларини секьюритизациялаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, функционал ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, прогнозлаш, мантиқий хулосалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

активларни секьюритизациялаш доирасида банк-оригинатор, қарз олувчи ва инвесторлар ўртасидаги қарз муносабатларини ўз ичига олган “Банк активларини балансли секьюритизациялаш битими схемаси” ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон банк тизимида активларни секьюритизациялаш доирасида эмиссия қилинган молиявий деривативлар кредит рискинни бошқа шахсга ўтказиш имконини берувчи воситалар эканлиги асосланган;

банк активларини секьюритизациялаш жараёнида ягона мақсадли йўналишга эга бўлган субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўзида намоён этувчи, секьюритизациялаш жараёнининг тузилмавий механизми ишлаб чиқилган;

халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда молия-банк тизимини янада барқарор ривожлантириш учун молиявий инновациялардан фойдаланиш мақсадида самарали восита сифатида қўлланилувчи деривативлар гуруҳи эмиссияси таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари томонидан секьюритизациялашган схемаларнинг мамлакат молия бозори конъюнктурасига етарли даражада мослашмаганлиги ва

маҳаллий иқтисодиётга инвестицияларни қўйиш учун ресурсларнинг ўта чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш заруриятини белгилловчи омиллар таркиби аниқланган;

тижорат банкларининг активларига нисбатан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хусусан “Активларни секьюритизациялаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш борасида таклифлар ишлаб чиқилган;

«шаффоф» (look-trough) ёндашувга асосланган ва мақбуллаштириш мақсадида секьюритизациялашган активларнинг сифат ўзгаришини батафсил таҳлил қилишни назарда тутувчи банк активларини секьюритизациялашнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш йўналишлари илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, шунингдек, банк активларини секьюритизациялаш фаолиятини ривожлантириш бўйича олинган натижаларнинг тижорат банклари томонидан маъқуланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида тижорат банклари активларини секьюритизациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида илмий-амалий тасаввурларни шакллантиришда ҳамда бу борадаги концептуал асосларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот ишида эришилган назарий натижалардан республика олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларида «Банк иши», «Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари», «Тижорат банклари ресурсларини бошқариш» каби фанларнинг ўқув-услубий материалларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни тижорат банкларида секьюритизациялаш амалиётини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари активларини секьюритизациялаш амалиётини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

қарз олувчиларга кредитлар бериш, кредитлар бўйича келгуси тушумлар билан таъминланган қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, инвесторлар томонидан қабул қилинган қимматли қоғозлар бўйича тўловларни амалга ошириш, қарз олувчи томонидан кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзларнинг бир қисмини тўлаш, купон даромадлари бўйича тўлаш ва қимматли қоғозларнинг номинал қийматини қисман қоплаш, банк банкрот бўлган ҳолларда кредитлар бўйича талаб ҳуқуқларини инвесторга бериш жараёнини ўз ичига олган битимини шакллантириш схемаси «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки амалиётига жорий этилган («Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2019 йил 4 ноябрдаги 11/03-451-сон

маълумотномаси). Натижада эмитент банкрот бўлган вақтда активларга нисбатан облигация эгасининг биринчи навбатдаги талабларини кафолатлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш имконияти юзага келган.

активларни секьюритизациялаш доирасида эмиссия қилинадиган молиявий деривативлар асосида кредит рискинни бошқа шахсга ўтказишнинг замонавий молиявий механизмини татбиқ этиш ва кредит рискинни жиловлаш услубиётининг типологияси бўйича таклифи «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки амалиётига жорий этилган («Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2019 йил 4 ноябрдаги 11/03-451-сон маълумотномаси). Натижада кредит деривативлари ва банк активларини секьюритизациялашнинг ўзаро ўхшаш хусусиятларини ўрганиш асосида, банк назорати бўйича Базель қўмитаси таклиф этган бошқариш воситалари типологиясини чуқурроқ изохлаш имконияти юзага келган.

банк активларини секьюритизациялаш жараёнида ягона мақсадли йўналишга эга бўлган субъектлар ўртасидаги муносабатларни секьюритизациялаш жараёнининг тузилмавий механизми асосида ташкил этиш таклифи «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки амалиётига жорий этилган («Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2019 йил 4 ноябрдаги 11/03-451-сон маълумотномаси). Натижада бу банк активларини секьюритизациялаш билан боғлиқ умумий мақсадга эга комплекс иштирокчилар гуруҳи асосида секьюритизация амалиётини йўлга қўйиш имкониятини берган.

мамлакатимизда халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда молия-банк тизимини янада барқарор ривожлантириш учун молиявий инновациялардан фойдаланиш, уларга доир ахборот шаффофлигини таъминлаш ва уни тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1761/03-28-сон маълумотномаси). Натижада, бу республикадаги давлат иштирокидаги тижорат банклари фаолиятининг самарадорлиги ва ахборот шаффофлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 9 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Банк активларини секьюритизациялашнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида банк активларини секьюритизациялаш борасидаги назарий-концептуал ёндашувлар тадқиқ қилинади. Тадқиқот жараёнида «активларни секьюритизациялаш» ва «банк активларини секьюритизациялаш» тушунчаларининг иқтисодий моҳияти тўлиқ очиб берилган.

Активларни секьюритизациялаш амалиётининг ривожланиб бориши фонд бозори воситалари жозибдорлигини ошириш асосида молиялаштиришнинг замонавий манбаларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу ўз навбатида, молиявий амалиётлар билан боғлиқ рискларни бошқаришнинг самарали механизмини шакллантиришни кун тартибига қўяди.

Тадқиқот ишида ҳозирги кундаги адабиётларда қўлланилаётган замонавий терминалогиялардан бири ҳисобланган «активларни секьюритизациялаш»га нисбатан берилган таърифлар кўриб чиқилди.

Шу ўринда, П.С.Роузнинг «секьюритизация – ноликвид қарзларни ликвидли активларга айлантириш жараёнидир»⁶ деган таърифини ҳам келтириб ўтиш ўринлидир.


Шунингдек, Н.В.Александрова активларни секьюритизациялаш амалиётига нисбатан «секьюритизациялашнинг ташаббускорида мавжуд муайян активларни ташаббускор балансидан кўчириш, кейинчалик мазкур активлар таъминотида қимматли қоғозлар эмиссия қилиш ва уларни кенг инвесторлар ўртасида жойлаштириш асосида янги махсус ташкил этилаётган ташкилотларга бериладиган табақаллаштирилган молиявий активлар кўринишига ўтказиш босқичларидан таркиб топган молиялаштиришнинг инновацион услуги»⁷ деган таърифни илгари суради.

Юқорида келтирилган таърифларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда ишда қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди: *«Банк активларини секьюритизациялаш – бу банк балансидан турган кредит талаблари билан таъминланган қимматли қоғозлар эмиссияси негизида ресурс жалб этишига қаратилган операциялардир»*.

Кредит ташкилоти бир вақтнинг ўзида эмитент банкрот бўлган пайтида активларга нисбатан унинг эгасининг биринчи навбатдаги талабларини кафолат берувчи облигация эмиссияси жараёнини амалга оширади (1-расм).

⁶ Роуз П. Банковский менеджмент – пер. с англ. – М.: Дело; 1997. – С. 709.

⁷ Александрова Н.В. Понятие и виды секьюритизации // Финансы и кредит. 2007. № 5.



1-расм. Банк активларини балансли секьюритизациялаш битими⁸

Бу ерда:

1. Қарз олувчиларга кредитларни бериш. 2. Кредитлар бўйича келгуси тушумлар билан таъминланган қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш. 3. Инвесторлар томонидан қабул қилинган қимматли қоғозлар бўйича тўловларни амалга ошириш. 4. Қарз олувчи томонидан кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзнинг бир қисмини тўлаш. 5. Купон даромадлари бўйича тўлаш ва қимматли қоғозларнинг номинал қийматини қисман қоплаш. 6. Банк банкрот бўлган ҳолларда кредитлар бўйича талаб ҳуқуқини инвесторларга бериш. 7. Инвесторнинг кредитлар бўйича талаб ҳуқуқи асосида қарз маблағларини олиши.


Шуни таъкидлаш керакки, фақатгина юқорида санаб ўтилган учта тавсифнинг мавжудлигида активларни секьюритизациялаш каби молиявий трансакцияни аниқлаш мумкин. Ушбу таснифлардан бирининг йўқлиги ёки битимнинг юқорида келтирилган таснифларига тўлиқ мувофиқ бўлмаслиги «активларни секьюритизациялаш» атамасини қўллаш имкониятини бермайди.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур трансакцияни активларни секьюритизациялаш услубиётига киритиш мумкин эмас, чунки активлар заклад варақларни эмиссия қилувчи ипотека банкининг балансида туради. Рисклар тақсимланмаган, варақаларни чиқариш бўйича таъминот кредит институтининг мол-мулки ҳисобланади. Истикболда эмиссия қилинаётган заклад варақларига нафақат активлар бўйича тўловлар оқимлари, балки бутун кредит ташкилотининг молиявий оқимлари орқали хизмат қилинади. Келтирилган сабабларга кўра Америкада ипотека облигациялари эмиссияси (Mortgage – Backed Bonds) амалиётини активларни секьюритизациялаш сифатида таснифлаш мумкин эмас. Бунда шунга эътибор бериш керакки, банк активларини секьюритизациялаш классик маънода – бу шубҳасиз, қимматли қоғозларни чиқариш ёрдамида баланслашмаган банк активларини секьюритизациялашдир. Тадқиқот предметини аниқ ажратиб олиш учун турли адабиёт манбаларида қўлланилаётган активларни секьюритизациялаш тушунчасини таснифлаш лозим (2-расм).

Мазкур расм банк активлари секьюритизациясининг бошқа мумкин бўлган секьюритизациялашган операцияларни амалга ошириш вариантлари

⁸ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

ўртасидаги ҳолатни яққол намоён этади. Шунга эътибор бериш керакки, бу ерда турли хил – ҳам синтетик, ҳам анъанавий битимлар моделлари мавжуд бўлиши мумкин. Нобанк активларни секьюритизациялашни ҳам банк кредитлари, ҳам фонд бозорларидан молиялаштиришни жалб қилиш орқали амалга ошириш мумкин.



2-расм. Активларни секьюритизациялаш тушунчаси таснифи⁹

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда секьюритизация турли давлат иқтисодчилари томонидан кескин танқидга учраб келган. Бу эса, мазкур молиявий воситанинг оммавийлашиши ва нуфузига салбий таъсир кўрсатди. Инқироз натижасида инвестициялар бозори узоқ вақт давомида «турғун» ҳолатга тушиб қолди. Бугунги кунда активларни секьюритизациялаш тез ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Секьюритизациянинг муваффақиятли қўлланилиши ҳудудий банкларни миллий ва умумжаҳон инвестициялар бозори билан бирлаштириб, фондлаштиришдан фойдалана олиш соҳасида географик ва ҳудудий табақаланишни камайтиради.


Кредит rischi даражасини пасайтириш воситалари кўриб чиқилганда, инновацион воситалар, яъни активларни секьюритизациялаш ва биржадан ташқари бозорда муомалада бўладиган ҳосилавий деривативларни алоҳида тадқиқ этиш лозим. Иқтисодчи олима Сюзан Биес ўзининг тадқиқотларида инновацион молиявий муносабатлар ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида таркибий молиявий воситаларнинг етакчи роли ҳақида таъкидлайди¹⁰.

Ушбу ўзига хос хусусият алоҳида тармоққа активларни секьюритизациялаш ва кредит деривативлари каби кредит rischi даражасини жиловлаш воситаларини киритиш зарурлигини кўрсатади. Тадқиқот ишида классик молиявий воситаларнинг муфассал бўлиниши ва таркибланишган молиявий воситалар ёки таркибий молиялаштириш жараёнлари таҳлил

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰ Bies S. Strengthening compliance through effective corporate governance. Remarks at the annual regulatory compliance conference. 11.06.2012.

қилинди. Кенг маънода «таркибий молиялаштириш» молия ресурсларини жалб қилиш жараёни билан намоён бўлиб, унда эмиссия қилинаётган қарз воситаларининг кредит сифати эмитентнинг кредит сифати билан боғлиқ эмаслиги аниқланди. Фикримизча, таркибий молиявий воситаларга кредит рискинни бошқа шахсга ўтказиш механизмнинг бир қисмини киритиш лозим. Ушбу шартга аниқлик киритиб, секьюритизациялаш ва кредит деривативлари ана шундай механизмларга киради, деган хулосага келиш мумкин (3-расм).



 – таркибий молиявий воситалар.

3-расм. Кредит рискинни бошқа шахсга ўтказишнинг замонавий молиявий механизмлари таснифи¹¹

Таркибий молиявий воситалар тўғрисида келтирилган юқоридаги расм маълумотларини иккита асосий сабаблар кесимида тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади. Биринчиси кредит рискига таъсир кўрсатиш хусусиятига эга ва умумий типология асосларига таянадиган воситалар сифатида секьюритизациялаш ва кредит деривативларининг яхлитлиги билан боғлиқ. Иккинчи жиҳатни ўрганиш эса «таркибий молиявий институтлар» ва «секьюритизациялаш» тушунчаларини ўзаро аниқлаш ҳамда «кредит рискинни бошқа шахсга ўтказиш механизмлари» каби мустақил тушунчаларга ажратишга имкон беради.


Ҳосил бўладиган кредит деривативлари ва банк активларини секьюритизациялашнинг ўзаро ўхшаш хусусиятларини ўрганиш асосида,

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фикримизча, кредит rischi даражасини жоловлaш воситаларининг иккинчи белгиси – молиявий воситалар турини кўриб чиқиш лозим, шу тарзда банк назорати бўйича Базель кўмитаси таклиф этган бошқариш воситалари типологиясини чуқурроқ изохлашга имкон пайдо бўлади.

Активларни секьюритизациялаш жараёни тартибини ишлаб чиққанда биз банк назорати бўйича Базель кўмитаси тамойилларига ва Гюнтер Фонбаернинг тадқиқотларига таяндик. 4-расмда секьюритизациялашнинг асосий иштирокчилари келтирилган.

Юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисига тавсиф бериб ўтамиз:¹²



←--→ – Комиссион ҳаражатлар.

Изоҳ. 1. ИЮШни ташкил этиши; 2. Фондлаштириши; 3. Активларни ишончли бошқариши бўйича келишув; 4. Қарз қимматли қозғалар бўйича қарз; 5. Қарз қимматли қозғалар эмиссияси; 6. Қарз қимматли қозғалар эмиссияси ҳисобига фондлаштириши; 7. Эмиссияни ташкил этиши бўйича келишув; 8. Активларни шакллантириши; 9. Қарзга хизмат кўрсатиши; 10. Шартнома бўйича мукофот; 11. Кредит деривативни сотиши, дефолт ҳолатида тўлаш; 12. Рейтинги бериши бўйича келишув.

4-расм. Секьюритизациялаш жараёнининг тузилмавий модели¹³

Ташаббускор (originator) – активларни шакллантирувчи юридик шахс сифатида намоён бўлади. Кўпинча ушбу ролни молиявий активларга эга тижорат банклари ҳам бажаради. Асосан тижорат банклари ипотека кредитларни секьюритизациялашда ташаббускор сифатида иштирок этади.

Дебиторлар (debtors) – ташаббускор билан муносабатга киришган юридик ёки жисмоний шахслар бўлиб, улар туфайли ташаббускор олдида молиявий мажбуриятлар юзага келади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон банк тизимида активларни секьюритизациялашни жорий этиш: амалиёт, муаммо ва имкониятлар»


¹² The international comparative legal guide to securitization 2005 / Global Legal Group Ltd. – London: William Clowes Ltd., 2011.

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

деб номланган иккинчи бобида тижорат банкларида активларни секьюритизациялашни жорий этиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Ҳозирда мамлакатимизда активларни секьюритизациялашга рухсат берадиган ягона ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари» тўғрисидаги ҳужжат бўлиб, ушбу ҳужжатда банк томонидан берилган кредитлар ва бошқа активлари таъминотида облигациялар кўринишида қарз қимматли қоғозларини чиқариш мумкинлиги белгиланган. Ушбу ҳужжатга асосан тижорат банкларининг активларини секьюритизациялаш мумкин. Лекин, бугунги кунда, бизнинг фикримизча, мамлакатимизда активларни секьюритизациялашни жорий этиш ва ривожлантириш учун бу ҳужжат етарли эмас. Бу эса, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тижорат банкларининг активлари ҳажми жадал суръатларда ошиб бормоқда. Хусусан, тижорат банкларининг жами активлари ҳажми 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 28,7 фоизга ошгани ҳолда 2019 йил 1 январь ҳолатига 214,4 трлн. сўмни ташкил этди. Шу ўринда 2018 йилда банк активлари таркибида кредитларнинг улуши сезиларли даражада ортганлигини кўриш мумкин (5-расм).




5-расм. 2017-2018 йилларда Ўзбекистон тижорат банклари активларининг таркибий тузилиши, фоизда¹⁴

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб сайти (www.cbu.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5-расм маълумотларидан кўринадикки, тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредит қўйилмаларининг Ўзбекистон Республикаси банк тизими умумий активлари ҳажмидаги улуши 2017 йил 1 январдаги 61,9 фоиздан 2019 йил 1 январь ҳолатига 76,8 фоизгача ошган. Бунда, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 2018 йилнинг иккинчи ярмида жадал суръатларда ортганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2018-2019 йилларда тижорат банклари кредит портфели таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, миллий валютадаги кредитлар қолдигининг ўсиш суръати 16,7 фоизли кўрсаткичдан деярли 2 баробарга пасайгани ҳолда 8,6 фоизни ташкил этган бўлса, хорижий валютадаги кредит қўйилмаларида эса ўсиш суръатларининг тезлашиши кузатилди. Кредит портфели таркибидаги ушбу тенденциялар инфляция даражаси ва валюта бозоридаги ҳолатга жорий босимнинг олдини олиш имконини берса, айти пайтда, ушбу хатарларни кейинги даврларда (ўрта ва узоқ муддатли истикболда) рўй бериш эҳтимолини оширади. 6-расмда тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича улуши келтирилган.



6-расм. Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича улуши (2019 йил 1 сентябрь ҳолатига, фоизда)¹⁵

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми 229,8 трлн. сўмни ташкил этди. 6-расм маълумотларидан кўринадикки, тижорат банклари томонидан ажратилган кредит қўйилмаларининг 38 фоизи

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб сайти (www.cbu.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

(86,1 трлн. сўм) саноат соҳасига йўналтирилган бўлса, жами кредитларнинг 11 фоизи (25,6 трлн. сўм) транспорт ва коммуникация соҳасига ажратилган.

Жаҳон молиявий инқирозининг узоқ муддатли салбий оқибатлари йирик капиталлар бозори фаолиятида бир қатор тизимли камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини яққол намоён этиб берди. Узоқни кўзланмаган молия бозорини тартибга солиш сиёсати, бозор рискига бўлган ҳаддан зиёд оптимистик ёндашув, молиявий инструментлар диверсификациясининг заифлиги, капиталлар бозори устидан давлат назоратининг сустлиги, бозор асимметриясининг юқорилиги ҳамда капиталнинг фақат санокли бозорлардагина концентрациялашуви жаҳон капиталлар бозори архитектурада туб ўзгаришлар қилиш зарурлигини амалда исботлади.

Банк активларини секьюритизациялаш амалиёти асосан ривожланган ва жадал ривожланаётган мамлакатларда кенг жорий қилинганини инобатга олиб, капитал концентрацияси юқори бўлган мамлакатларда секьюритизациялашнинг инвестициялар ҳажмига таъсирини баҳолаш мақсадида АҚШ ва Европа Иттифоқига аъзо 28 та мамлакат танлаб олинди ва улар бўйича маълумотлар жамланиб, кўп параметрли эконометрик моделлаштиришга мўлжалланган панель маълумотлар тўплами шакллантирилди.

Моделнинг эконометрик ифодаси қуйидагича тузилди:

$$INV_{i,t} = \alpha INV_{i,t-1} + \beta_1 SEC_{i,t} + \beta_2 BAS_{i,t} + \beta_3 BSI_{i,t} + \beta_4 GFC_{i,t} + \beta_5 GDP_{i,t} + \eta_i + \varepsilon_{i,t}$$

Бу ерда, $INV_{i,t}$ – t даврда i мамлакатдаги инвестиция ҳажми, $SEC_{i,t}$ – t даврда i мамлакатдаги банк активларининг секьюритизациялаш ҳажми, $BAS_{i,t}$ – t даврда i мамлакатдаги жами банк активлари ҳажми, $BSI_{i,t}$ – t даврда i мамлакатдаги банк тизими барқарорлигининг синдикатлашган кўрсаткичи, $GFC_{i,t}$ – t даврда i мамлакат иқтисодиётига жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини ифодаловчи ёрдамчи кўрсаткич (*dummy variable*), $GDP_{i,t}$ – t даврда i мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми. Таъкидлаш лозимки, GFC (ўрганилаётган мамлакатларда жаҳон молиявий инқирози таъсирини ифодаловчи кўрсаткич) ёрдамчи кўрсаткич бўлиб, у ҳар бир мамлакат иқтисодётида глобал молиявий инқироз таъсири кузатилган даврни алоҳида белгилаш орқали инқироз таъсирини примитив усулда аниқлаш имконини беради. Инқироз таъсири сезилган давр учун 1, инқироз таъсиридан ҳоли давр учун 0 коэффицент қўйилади.

Эконометрик моделлаштиришда 2000-2017 йиллар оралиғида ҳар бир мамлакат учун чораклик маълумотлар таҳлил қилинди. Кузатувлар сони 20400 та даврни ташкил қилди. Эконометрик тадқиқот методологияси икки босқичли энг кичик квадрат (Two Step Least Squares - кейинги ўринларда 2SLS) усулининг «моментларнинг умумлашган усули» (Generalized Method of Moments – кейинги ўринларда GMM) йўли билан ишлаб чиқилди.

Эконометрик таҳлилнинг дастлабки босқичида умумий ўзгарувчи тасвирий статистика тести ёрдамида панель маълумотларини бирламчи текшируви ўтказилди (1-жадвал).

Тасвирий статистика кўрсаткичлари

	INV	SEC	BAS	BSI	GFC	GDP
Ўртача	2363.512	1261.148	16826.45	14.88664	0.254902	11257.11
Медиана	2809.960	1190.923	8827.495	14.19110	0.000000	13807.94
Максимум	4418.030	5455.288	85191.80	20.90000	1.000000	19485.40
Минимум	362.6572	0.000000	795.1610	12.10000	0.000000	1763.125
Стандарт оғиш	1302.578	1160.082	22641.78	2.381195	0.440143	6298.920
Асиммет. коэффициент	-0.354616	1.410610	1.989310	1.056718	1.124803	-0.345698
Эксцесс коэффициент	1.575422	5.438992	5.901372	2.979903	2.265182	1.482274
Харке-Бера	5.381419	29.55443	51.52568	9.492409	11.90146	5.910734
Эҳтимоллик	0.067833	0.000000	0.000000	0.008685	0.002604	0.052060
Ялпи қиймат	120539.1	64318.56	858148.7	759.2187	13.00000	574112.5
Квадрат қолдиқлар йиғиндиси	84835469	67289455	2.56E+10	283.5045	9.686275	1.98E+09
¹⁰						
Кузатувлар сони	20400	20400	20400	20400	20400	20400

Тасвирий статистика натижалари панель маълумотларида жамланган кўрсаткичлар даврий оралиқларда нормал тақсимланганлигини, ишонч интервали 10 фоизлик чегарадан қуйида эканлигини, асимметрия ва эксцесс коэффициентлари зарурийлик шартини бажаришини кўрсатди.

Эркили ва эрксиз ўзгарувчи ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида Лин-Левин-Чу бирлик илдиз тести ўтказилди:

Лин-Левин-Чу бирлик илдиз тести

Ўзгарувчи	t-статистика	Эҳтимоллик**
INV	-2.771	0.0011
SEC	-1.698	0.0064
BAS	-0.207	0.0119
BSI	-1.582	0.0423
GFC	-0.118	0.0094
GDP	-2.813	0.0063

Лин-Левин-Чу бирлик тести натижалари барча ўзгарувчиларни стационарлигини кўрсатди ҳамда таҳлилни давом эттириш мумкинлиги тасдиқланди.

Стационарлик исботланганидан сўнг асосий эконометрик таҳлил амалга оширилди. EWIEVS 10.0 дастури ёрдамида динамик панель маълумотлар тўплами учун GMM тести ўтказилди (3-жадвал).

Олинган натижаларнинг ишончлилигини текшириш мақсадида Сарган ва Хансен тестлари ўтказилди. Мазкур тестлар асосий GMM тестидан олинган натижада ортиқча чекланишлар мавжудлигини текширишга мўлжалланган бўлиб, ўтказилган Сарган тести J қиймати ва Хансен тести р-қиймати олинган натижалар нормаллигини кўрсатди.


GMM тести натижалари

Ўзгарувчилар	Асосий модель	Модель 1	Модель 2	Модель 3
INV (-1)	0.4181*** (0.1072)	0.4094*** (0.1001)	0.4132*** (0.0112)	0.4209*** (0.0143)
SEC	0.1612* (0.1031)	0.1183* (0.0992)	0.1389 (0.1176)	0.1578* (0.1012)
BAS	0.0666* (0.0578)	0.0623 (0.0557)	0.0651** (0.0565)	0.0610*** (0.0529)
BSI	0.0498** (0.0411)	0.0447 (0.0403)	0.0421** (0.0397)	0.0433 (0.0402)
GFC	-0.0263*** (0.0074)	-0.0236*** (0.0083)	-0.0248*** (0.0078)	-0.0266*** (0.0069)
